

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**  
**Тошкент Ирригация ва мелиорация институти**

**Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси**  
**кафедраси**

**МАВЗУ №2**  
**Ўзбекистон Республикасида таълимни**  
**ривожлантиришнинг янги босқичида ўрта**  
**махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни**

**ДТС асосида  
қуйидагилар  
амалга оширилади:**

таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади

ўқув дастурлаштириш ва методик хужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади

таълим натижаларига кўйилган талаблар шакллантирилади

касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади

таълим муассасаси аттестация қилинади

**ДТС асосида**  
куйидаги тартибда  
ишлаб чиқилади

муаллифлик жамоаларини тузилади

алоҳида бўлимларни ишлаб чиқиш, уларни дастлабки  
баҳолаш ва ўзгартиришлар киритиш

ДТС лойиҳасини тузиш уни эксперт баҳолаш

якуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш  
ва тасдиқлаш



Давлат ва соҳа меъёрий, техник ва технологик ҳужжатларни таҳлил этиш



Меҳнат бозори талаблари



Мутахассис меҳнат фаолияти мазмуни

Илмий техник тараққиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши таъсирида меҳнат анъаналарини ривожланиши

Чет эл касбий таълим стандартларини ўрганиш, таҳлил этиш

- Касблар таҳлилини ўтказишда бир-бирига боғлиқ бўлган бир қатор ишлар ҳисобга олинади, яъни:
- Илмий-техникавий- тармоқлар ривожланишини башоратлаш;
- Иқтисодий-педагогик – тайёрлаш шакли ва ўқитишга кетадган ҳаражатларни башоратлаш;
- Ижтимоий – мутахассислар меҳнат вазифаларини башоратлаш;
- Илмшунослик – мувофиқ келувчи фаннинг мантиқий тузлимасидаги таркибларни башоратлаш;
- Психологиявий – ўқув материални ҳаммабплигини башоратлаш;
- Физиологик – касбга, мутахассиснинг физиологик сифатларига қўйиладиган талабларни башоратлаш;
- Тарбиявий – таълим мазмунига ўзгартишлар киритиш учун тадбирларни башоратлаш;
- Педагогик – ўқув-тарбия жараёнинининг бошқарув вазифаларини башоратлаш.

## 2. Касблар таснифлагичи

- Таснифлагич ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълимида Давлат таълим стандартлари ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқарувчилар таълим муассасалари рахбарлари, республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар мутахассислари, вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикамиз хўжаликларини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжаллангандир. Таснифлагич касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг қайси вазирликка, карашлилигидан ва мулкчилик шаклидан катъий назар айнан қўлланилиши шарт.

Таснифлагичда  
қуйидаги тарифлар  
қўлланилган

ТАЙЁРЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ

КАСБЛАР ВА ИХТИСОСЛИКЛАРНИНГ УМУМДАВЛАТ  
ТАСНИФЛАГИЧИ

КАСБЛАР ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИНГ  
ТИЗИМЛАШТИРИЛГАН  
РЎЙХАТИ

- **Таснифлагичдан қўйидаги вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади:**
- - ҳудудий бандлик дастурларини ишлаб чиқиш;
- миллий ва ҳудудий меҳнат бозорларида ижтимоий меҳнат соҳасидаги жараёнларини таъминлаш ва тартибга солиш;
- иш кучининг самарадорлигини ва иш кучига кетаётган сарфларни аниқлаш;
- меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва меъёрлаштиришни такомиллаштириш;
- халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва асосланган узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш;
- меҳнат статистикаси соҳасида ахборотнинг ҳалқаро миқёсда таққосланишини таъминлаш.



# ТАЪЛИМ МАЗМУНИ


Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юқори малакали кадрлар билан таъминлашда унинг ҳаётий циклининг учта асосий босқичларига комплекс ёндашилган.

**Биринчи босқичда** кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва шахс, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш белгиланган. Бу ўринда квалификация даражасининг ўсиб бориши белгиланади.

**Иккинчи босқичда** кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва уларнинг малака даражасини амалга ошириш.

**Учинчи босқичда**, касбий фаолият соҳасида кадрлардан фойдаланиш, вақти-вақти билан малакани ошириш ва қўшимча касбий таълим ёки қўшимча касбий таълим доирасида малака даражасини таъмин этиш ва янгилаб туриш.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун касбий таълимда стандартлаштириш ўсиб, юксалиб бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва сифатли талаблар бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади.



Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасаларида қуйидагилар назарда тутилади:

- Касбий таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;
- Соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш;
- Ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий-техника базаларидан ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш.

# Касб таълимининг халқаро интеграциялашув йўллари:

- 1. Саноати ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларини (олий таълим муассасалари коллежлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари) ташкил этиш, бу эса бозор ва халқаро муносабатлар, юқори технология билан боғлиқ бўлган мутахассислар йўналиши бўйича бўлиши зарур.
- 2. Истеъдодли ёшларни саноати ва интеллектуал даражаси ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиш.
- 3. Хорижий мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

- 1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.
- 2. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалари.
- 3. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

- **Ўқув режаси** деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режаси — барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

**Таълим  
мазмунни ўқув  
режаси, ўқув  
дастури ва  
дарсликларда  
ифодаланган**

**Ўқув режаси** деб,  
ўқитиладиган  
фанлар, ўқитиш учун  
ажратилган соатлар  
ва ўқув йилининг  
тузилишини  
белгилаб берувчи  
давлат ҳужжатига  
айтилади

**Ўқув дастури** –ҳар  
бир ўқув фанининг  
ўқитиш учун  
ажратилган билим  
ҳажми, тизими ва  
ғоявий – сиёсий  
йўналишини аниқлаб  
берадиган давлат  
ҳужжатидир

**Дарслик** -тегишли  
фанга оид илмий  
билим асосларини  
дастурга ва  
дидактика  
талабларига  
мувофиқ равишда  
баён қилувчи  
китобдир

- **Ўқув дастури** – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.
- Ҳар қандай ўқув дастури ўқув элементлардан иборат бўлади. Ўқув элементлари 2 гуруҳга тақсимланади.
- **Биринчи гуруҳда** ўқув жараёнида объект ва предмет фаолият услублари кўриб чиқилади.
- **Иккинчи гуруҳда** – ҳамма кўрсаткичлар киритилиб, улар ёрдамида объект ва жараёнларнинг афзалликлари очиқ берилади, улар ўқув элементи деб номланади.



# Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти ҳақида фикр билдиринг?
2. Касб педагогикасида таълим мазмунига нималар киради?
3. Таълим мазмуни тузилмасини макродаражаси нима билан изоҳланади?
4. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси нима билан белгиланади?
5. Касб-ҳунар таълими дастури ҳақида сўзлаб беринг?
6. Касб педагогикасининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
7. Касб таълими мазмунига қўйиладиган талабларни сўзлаб беринг?
8. Ўқитиш дастурларига нималар киради?